

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик - Галаконцерт



Термиз туманида кеча бошланган "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик" шиори остидаги маданий-маърифий тарғибот тадбирларининг якуний - галаконцерт дастурлари бўлиб ўтди.

Туман марказида жойлашган "Марварид" дам олиш масканига туман аҳолиси вакиллари - нурунийлар, ёшлар, турли соҳа вакиллари жам бўлишди. Тадбир аввалида спортчи ёшлар ва санъат мактаби тарбияланувчиларининг кўргазмали-бадий чiqишлари намойиш этилди.

Шундан сўнг, Тошкент шаҳридан, вилоят марказидан ташриф буюрган санъаткорлар ва актёрларнинг чиқишлари фестивал иштирокчилари томонидан қизғин кутиб олинди. Туманимиз ёш истеъдодларининг чиқишлари эса байрам дастурини бойитди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилафрўз Ҳайитметованинг шўх куй-қўшиқлари барчани сахна марказига чорлади.






















Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати